



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАЪВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР ФАКУЛТЕТЪ

ИЖТИМОЙ ФАНЛАР КАФЕДРАСИ

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ НОМЗОДИ, ДОЦЕНТИ

ИСАҚОВА ЗАМИРАХОН РУҲИТДИНОВНА

КОМИЛЛИК ТИМСОЛИ

Мақоласи

Тасаввуф қалб илми, уни соф назариётчи олимлардан кўра, таъби назм, яъни шоирлар чуқурроқ идрок этишган. Маърифат кўнгилга нур каби қуйилганки, унинг асрори назмда гўзал ифодасини топган. Шоирлик ҳам илоҳий неъмат, шеър покиза қалб илҳомидан туғилади. Қалб илоҳий дарддан фарёд чекмаса, ноқислик ва нопокликдан азият чекмаса, жаҳолатга қарши исён кўтармаса, шеър туғилмайди.

Тасаввуфий адабиётнинг мақсади – комиллик, яъни оддийликдан мураккабликка, дағалликдан ҳалимликка, қаттиқликдан юмшоқликка, нодонликдан доноликка, оддий инсонликдан юксак инсонийликка, илмдан ирфонга кўтарилиш, камолот касб этишдир. Зеро, тасаввуфий адабиётнинг ўзи ҳам комиллик ифодаси, комил сўз, комил маъно ва комил тафаккур бирлигидир. Комиллик сифатлари мужассам бўлган шоир комилликка ташна инсон руҳининг чанқоғини қондириш учун хизмат қилганки, буюк давлат арбоби, нозиктаъб шоир ва ноёб истеъдод соҳиби Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) чин маънода комиллик тимсолидир

“Элга шоҳ, вале маҳбуба наздида қул” бўлган Бобур Мирзонинг орзуси барча нарсада такомилни кўриш, оламни ҳам, ўзини ҳам нуқсонлардан холи тасаввур этиш, инсон қалбининг туб-тубида яшириниб ётган инжуларни кашф этиш бўлган. Бобур Мирзонинг ҳаёти, шоҳ сифатидаги фаолияти, яқинлари ва бегоналар билан муносабати, одоб-ахлоқи, ўзини тутиши, шеърларида илгари сурилган ғоялардан шуни эътироф этиш ўринлики, Бобур Мирзо **комил ва дарвешвеш шоҳ** бўлган.

Хўш дарвешнинг ўзи ким? “Дарвеш” сўзи бенаво, қашшоқ, камбағал, гадо, тарки дунё қилган, суфиёна ҳаёт кечиришни афзал билган, дунё билан иши йўқ деган маъноларни англатади. Камтарлик, хокисорлик, ўзини бошқа барча мавжудоту махлуқотдан паст санаш дарвешга хос фазилат ҳисобланган. Кейинчалик қаландарлар, узлатга чекинган зоҳидлар, ориф сўфийларни ҳам дарвеш деб аташ расм бўлган (дарвеш билан ҳозирги “дарвеш”, “демона” номи билан аталадиган тиланчилар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор – З.И.).

Дарвеш ўзини Ҳақ йўлига бағишлаб, дунёдан юз ўширган, унинг назарида бойликнинг ҳеч бир қиймати йўқ, унинг учун инсон маънавияти, ҳикмат илми бойликдан афзал. Дарвешнинг асосий мақсади илоҳий камолот сари интилиш, ўзида илоҳий сифатларни мужассам этиш учун тинмай саъй-ҳаракат қилиш ва бу йўлга ўзини бағишлаш. Дарвеш қалби уйғоқ, ўз нафсининг ҳокими, қисқаси, эзгулик тимсолидир.

Бобур Мирзонинг шоҳ сифатидаги фаолияти тасаввуф талабларига қанчалик тўғри келади?

Бобур Мирзо кўнгли юмшоқ, мурувватли шахс бўлган. Шоҳ сифатида ҳам Бобур Мирзо давлат амалдори сифатида тасаввур қолдирмайди. Зеро, фуқароларни нафс қуллигидан қутқариш, маънавият оламига етаклашни мақсад қилган шоҳнинг ўзи ўз нафсининг кули бўлса халқни қандай қилиб тўғри йўлга бошлай олсин!?

Ҳақни таниш, илмга ташналик, ўзини фақир ҳақир ҳисоблаш, мулойимлик, хокисорлик, огоҳлик Бобур Мирзода мужассам эди. Бобур Мирзо шоҳ сифатида жуда кўп эзгу фармонлар (тавбага расмий қадам қуйиш, мамлакатда ичкиликбозликни расман тақиқлаш – З.И.) қабул қилган:

Бобур Мирзонинг фазилатлари ичида самимийлик, бағрикенглик ва кечирувчанлик ноёб неъмат эди. Бобур Мирзо ўзига жафо қилган, хоинлик қилган, мунофиқлик қилган кишиларни гуноҳларини кечириб юбориш билан чекланмай, бадкиркор, баднафс, нокас бандаларни рағбатлантирган, уларга катта лавозимларни ишониб топширган. Дунё азоблари жонига тегса ҳам, қисматига ёзилган дарбадарлик, жаҳонгашталик, ватангадоликка чидаган, нафақат чидаган қаерда бўлмасин, ўша юртни обод қилишга, халққа ғамхўр бўлишга интилган.

Бобур Мирзонинг буюклиги шундаки, босқинчилик тамғасини бунёдкорлик ва инсонпарварликка айлантирган, меҳр-шафқатда барчага намуна бўлган. Бобур Мирзо шахсидаги яна бир ноёб неъмат – унинг ҳаётига таҳдид қилган, уни ўлдиришни ният қилган Иброҳим Лўдийнинг онасига мурувват кўрсатиб, омонлик беришидир. Бобур Мирзонинг ўз ҳаётини фарзанди аржуманди Ҳумоюнга бағишлаши – Бобур Мирзонинг ота сифатидаги мавқеи накадар буюклигини кўрсатади.

Бобур Мирзо умрини яхшилик учун сарф этиб, ҳеч қачон яхшилик таъмасида бўлмаган, қачонлардир яхшилик ғолиб келишига ишонган:

*Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиг.
Бу замонни нафйи қилсам, айб қилма, эй рафиқ,
Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиг.
Дилраболардин ёмонлик келди маҳзун, кўнглума,
Келмади жонимга ҳеч оромижондин яхшилиг.
Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиг асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ёмондин яхшилиг.
Бари элга яхшилик қилгилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.
Яхшилиг аҳли жаҳонда истама Бобур каби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиг.*

(Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон, 1994. 32-бет)

Бобур Мирзо бутун умр тасаввуф аҳлига юксак эҳтиромини сақлаб қолган. XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда маънавий арбоб сифатида танилган Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) нинг кўрсатган энг буюк маънавий хизмати шариатни ҳимоя қилиш, темурийлар шаҳзодалар ўртасидаги душманликни бартараф қилиш, қонун устуворлигини таъминлашдан иборат бўлган. Хожа Аҳрор Валий билан Бобур Мирзони боғлаб турган ришта тасодифий эмас. Умаршайх Мирзо Хожа Убайдуллоҳдан фарзандига исм қўйишини илтимос қилган. Буюк авлиё унга “Заҳириддин” деб ном берган.

Бобур Мирзо танг аҳволга тушганида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг руҳи уни қўллаган. Самарқанднинг қайта қўлга киритилиши илоҳий ишора орқали билдирилгани “Бобурнома”да ўз аксини топган: “Ўшул фурсатта ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, Ҳазрати Хожа Убайдулла келмишлар, мен истиқболлариға чиқмишмен. Хожа келиб ўлтирдилар... Хожам фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушти. Қўптилар. Узата чиқдим. Ушбу уйнинг долонида ўнг қўлумдин ё сўл қўлумдин тутуб, андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Туркий дедиларким: “Шайх маслаҳат берди”. Ўшул неча кунда ўқ Самарқандни олдим” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: Юлдузча, 1989. 75-бет.)

Бобур Мирзонинг кўзига дунё тор бўлиб, охират йўлини танлашни ихтиёр қилиб, пешонасини саждага қўйган пайтида кўзи илиниб, Хожа Аҳрор Валий билан илоҳий боғланади: “Ўзумни ўлумга қарор бердим. Бошимни муножотқа қўйуб, тилак тиладур эдимким, кўзум уйқуга борибдур. Кўрадурменким, Хожа Убайдуллонинг набиралари рўбарўйимга ... келдилар. Дедиларким: “Ғам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга юбордилар. Дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшоҳлик маснадиға ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назариға келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Холо ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг сориридир. Бош кўтаринг, уйғонинг” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 107-бет.).

Бобур Мирзонинг тушида Хожа Аҳрор Валий унинг истиқболли келажаги ҳақида башорат бергани ҳам қайд этилган. Бобур Мирзо маънавий пирининг руҳи шод бўлиши учун Хожа Аҳрор Валийнинг “Волидия” рисоласини туркий назм қилиб маҳорат билан таржима қилади. Бу ҳақда “Бобурнома”да шундай ёзади: “Сешанба кечаси сафар ойининг йигирма еттисида Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг “Волидия” рисоласини назм қилмоқ хотиримга кечди. Ҳазратнинг руҳиға илтижо қилиб, кўнглумга кечурдумким, агар ба манзум ул ҳазратнинг макбули бўлур, худ нечукким, соҳиби “Қасидаи Бурда”нинг қасидаси макбул тушиб, ўзи афлиж маразидин халос бўлди, мен доғи бу оризадин кутулиб, назмимнинг қабулиға далили бўлғусидир... Рисола назмиға шуруъ қилдим ҳам ўшал кеча ўн уч байт айтилди” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. 318-бет.). Ёшлигидан азиз-авлиёларга эътиқод, эҳтиром руҳида тарбия топган Бобур Мирзо Хожа Аҳрор Валий сиймосида Ҳақ билан ўзи ўртасида восита деб билган, пири орқали ўз илтижолари Яратувчи ҳузурига етиб боришига ишонган.

Бобур Мирзонинг тасаввуф маърифати билан йўғрилган бебаҳо маънавий мероси ирфоний тафаккур чашмаларидан (манбаларидан) биридикки, унинг шеърятининг асосини

ишқ мавзуи ташкил этади. Бобур Мирзо тасаввуф руҳи сингдирилган шеърларининг шакли ҳам гўзал, шамойили ҳам беназир, ундан бир сўзни олиб ташлаш ёки унга бир сўзни қўшиш имконсиз, улар шоирнинг кўнгил изҳорларидир:

*Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълага мен қулдурмен.
Нисбат йўқдур деб ижтиноб айламаки,
Шаҳмен элга, вале сенга қулдурмен.*

Бобур Мирзо девонидаги нафис “ийҳом”ли байтлар “мажоз ва ҳақиқат гавҳари”дир. “Ийҳом” сўзнинг кўпмаънолигига асосланган шеър санъати бўлиб, сўзнинг ҳар бир маъноси шеърга ўзгача маъно бағишлайди, яъни сўзнинг бир маъноси зоҳирда, иккинчи маъноси ботинда, пардаланган бўлиб, шоирнинг шеъриятдаги сўз бойлиги ва бадий маҳоратининг мезонини белгилайди. Бобур Мирзо шеър ва ғазалларида “ийҳом” санъатини моҳирлик билан истифода этиб, айтмоқчи бўлган фикрларини нафис оҳангли ва бир неча чуқур маъноли сўзларда талқин этган:

*Лабинг бағримни қон қилди, кўзумдин қон равон қилди,
Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор.
Жаҳондин манга ғам бўлса, улусдин гар алам бўлса,
Не ғам юз мунча ҳам бўлса, сенингдек ғамгусорим бор.
Агар муслиҳмен, ар муфсид, вагар ошиқмен, ар обид,
Не ишинг бор сенинг зоҳид, менинг не ихтиёрим бор.
Фигоним ошти булбулдин, ғами йўқ зарра бу қулдин,
Басе Бобур, ўшал гулдин, кўнгулда хор-хорим бор.*

(Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Маҳрами асрор топмадим. Париж девони нусхаси. 18-бет.)

Баркамол истеъдод эгаси Бобур Мирзонинг жаҳонгашта ҳаёти ва серқирра ижоди бетакрор. Замон ва замин жафоларидан азият чекса ҳам, жавонмардликни касб қилган Бобур Мирзо “яхши-ёмонга” бирдек яхшилик қилишга интилан. Бобур Мирзонинг ҳикматга айланган куйидаги рубоийсида унинг фалсафий-ирфоний қарашларининг туб моҳияти теран ифодаланган, яъни фитратида яхшилик бўлган инсондан ёмонлик чиқмайди, фитратида ёмонлик бўлган одамнинг яхшилигида ҳам ёмонлик бор, вафо қилган вафо кўради, жафо қилган жафога мубтало бўлади, ёмонлик қилганга жазо муқаррар:

*Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир.*